



**БИРИ ОЙ,  
БИРИ ҚУЁШ...**



**ТОШЛАРИ**



**ЎЙИНДАН  
ЎТ ЧИҚМАСИН!**

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Бола кулгуси ҳам, йиғиси ҳам юракка яқин, кўнгилнинг туб-тубидан акс-садо беради. Хонадон бир вужудга ўхшаса, бола овози шу вужудни яшнатувчи жон мисолидир. Зеро, ҳар бир фарзанд ота-она юрагининг бир парчаси, бутун борлигига пайванд. Аслида бола нафақат ота-она, балки шу хонадоннинг ҳар бир аъзоси меҳрини берган, асраб-авайлайдиган, гамхўрлик қиладиган ҳаёт гунчаси. Шу боис оила — муқаддас, деганда ота-она, фар-

## ТОТУВ ВА АҲИЛ ОИЛА МЕВАСИ

занд тушунчалари билан бирга шу хонадондагилар ўртасидаги қондошлик муносабатлари, меҳр-муҳаббати ҳам мужассам, десак муболага бўлмайди. Бизнинг юртимизда оила аталмиш тушунча мазмун-моҳиятида азалдан ана шундай мустаҳкам ришталар, аҳиллик туйғуси акс этиб келган.

Оиланинг бўлажак аъзоси соғлом дунёга келиши учун хонадонда, айниқса, фарзанд кутаётган аёлни эҳтиётлаш, унга меҳрибонлик кўрсатиш шу уйда табиий бир ҳол саналади. Бу — миллий менталитетимизга хос хусусият. Бир болага етти маҳалла ота-она, деган ҳикматли ибора эса миллий қадриятларимизнинг янада юксак инсонпарварлик фазилатини ёрқин ифодалайди. Ота-боболаримиз келажак наслини ана шундай ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳитида вояга етказган.

(Давоми 3-бетда)

## 2014 йил — Соғлом бола йили



### “ОБУНА - 2014”

### “Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!  
Унутманг, севимли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176



### ҲИКМАТ

Агар ёмонлик қилмаган бўлсанг, кишилардан ҳадиксирамагин. Ҳамиша ўз қилмишининг ҳимоятига суянгин.

Абдураззок САМАРҚАНДИЙ

## МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САЙЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови кизгин давом этмоқда. Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги маҳаллалар аҳли ҳам ўз сеvimли масканларини янада файзли ва обод қилиш истагида муносиб номзодларни сайлашда фаол иштирок этмоқдалар.

— Янгийўл туманида жами 87 та фуқаролар йиғинлари мавжуд, — дейди туман «Маҳалла» жамоат фон-

домийлар ҳам кўмак беришапти. Абдувахоб Абдурахимов оиласига маҳалла тавсияси билан ҳомийлар томонидан қорамол берилди. Жорий йилда 37 нафар коллеж битирувчилари туманимиздаги турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Бу ўқув йилида 57 нафар ёшларимиз коллежда ўқишни тамомлайди, уларни ҳам иш билан таъминлаш тadbирлари кўзда тутилган. Келгуси фаолиятимизда, айниқса, маҳалламиздаги аёллар турмуш тарзини янада яхшилаш ва уларнинг ҳаётимиздаги мавқеини ошириш борасида хайрли ишлар қилиш ниятидаман.

\*\*\*

Тўйтепа шаҳарчасида жойлашган «Ойбек» маҳалласи Урта Чирчик туманидаги намунали маҳаллалардан. Бу ерда Розия опа Саъдиевани кўпчилик моҳир педагог, шижоатли, қатъиятли инсон сифатида яхши танийди. Розия опа маҳаллада кўзга ташланган бирор кам-



ди бўлини маси раиси Эркинжон Юлчиев. — Шу кунгача барча фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтди. Номзодларнинг 36 нафари биринчи маротаба бу лавозимларга сайланган бўлса, 16 нафари аёллар эканлиги қувонардир. Зеро, аёлларнинг ташаббуслари билан эришилётган ютуқларимиз ҳар бир соҳада аққол кузатилаётгани бежиз эмас.

Тошкент вилояти халқ депутати кенгаши аъзоси Фарида Жўрабекова ҳам маҳалла аҳли ишонч билдиришди ва у «Мезон» маҳалласига раис этиб қайта сайланди.

— «Мезон» маҳалласида 12 йилдан бери турли лавозимларда фаолият юритиб келаяпман, — дейди Фарида опа. — 1051 хонадонда 3500 нафар киши — 15 миллат вакиллари аҳилликда истиқомат қилишмоқда. Худудимиздаги аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг соғлиғига доимо эътибор билан қараймиз. Маҳалламизда миллий либослар тикиладиган касаначилик ҳамда тadbиркорлик цехи очилган. Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда

чилишни ўз вақтида илғаб, бартараф этишга, зарурат туғилганда мутасадди ташкилотларга мурожаат қилиб, муаммога уларнинг эътиборини жалб этишга киришади.

— Ҳар бир фуқаро ўзи истиқомат қилаётган жойда яхшилик уруғини соча билиши лозим, — дейди Розия опа. — Номзодимни қўллаб-қувватлаган маҳалламиз аҳлининг ишончини оқлашга астойдил интиламан. Аёлларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларга эътиборли бўлишни, маҳалладаги одамлар билан ҳамфикр бўлиб иш тутишни мақсад қилганман. Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Ҳамидахон Фозилованинг жонкуярлик билан ишлашдан кўпчилик мамнун. Ёшларимиз орасида эрта турмуш қуришнинг олдини

олиш, тиббий маданиятни ошириш бўйича кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда, «Ота-оналар университети», таълим даргоҳларидаги «Ораста қизлар» тўғарагининг ташкил этилиши мавжуд масалаларга тез ечим топишда кўл келмоқда.

— Коллежларда таҳсил олаётган 3-босқич ўқувчилари ҳаёт бўсағасида турган ёшлардир, — дейди Ҳамидахон Фозилова. — Чунки коллежни тамомлагач, кимдир олий ўқув юртига ҳужжат топширса, яна кимдир бирор хунар билан шуғулланади, яна бошқаси оила қуриш тараддудида бўлади. Шу боис фарзандларимизга болалигидан меҳр-оқибат, дўстлик, ибодат ҳаёт тушунчалари, одамийликдан сабоқ берамиз. Худудимиздаги ўқувчилар таълим оладиган мактаб, коллежларда «Мақтаб — маҳалла», «Ораста қизлар» тўғараги фаол ишлаб турибди. Маҳалламизда истиқомат қилувчи доцент Саодат Сулаймонова ёшларга ҳаёт сўқмоқларининг сир-синаотларидан сабоқ беради, шунингдек, болалар ва вояга етган фарзанд тарбиясида нималарга эътиборли бўлиш тўғрисида ота-оналар билан доим фикрлашади. Бу каби тadbирларда кайвониларимиз, фаолларимиз ёшларга одам савдоси, гиёҳвандлик каби иллатлар, турли бузғунчи гоёлардан эҳтиёт бўлишни тушунтириб, бундай иллатларнинг сал-



бий оқибатларини ҳаётий мисоллар билан тушунтирадилар.

Бир сўз билан айтганда, «Ойбек» маҳалласининг оидин орзу-умидлари, ёрқин ишлари бу масканни янада обод этмоқда.

**Нигора УРОЛОВА,**  
«Оила ва жамият» мухбири.  
Тошкент вилояти.

## ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш молиявий жавобгарлик билан бир қаторда, иш берувчи юридик шахс ёки Халқ банки филиали ходимларининг маъмурий жавобгарлигига олиб келади. Агарда жамғариб бориладиган пенсия бадаллари хизмат кўрсатувчи банкка ўз вақтида ўтказиб берилмаса ёки тўлов хабарномаси муддатидан кечиктириб тақдим қилинса, у ҳолда, Солиқ кодексининг 120-моддасига асосан, кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня қўлланилади. Корхона бадал суммасини тўғри ҳисоблаб, Халқ банки филиалидаги шахсий ҳисоб рақамига бадал суммасининг бир қисmini ўтказиб берган ва қолган қисmini корхона эҳтиёжи учун ишлатиб юборган ҳолат аниқланса, бу солиқ қонунчилигига мувофиқ бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ёки солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисобкитобларнинг бузилиши ҳисобланади ва солиқ тўловчидан қўшимча ҳисоблаб чиқарилган сумманинг ўн фоизи миқдорда жарима ундирилади. Борди-ю, бадал суммаси тўғри ҳисобланган бўлиб, лекин у даромад солиғи суммаси билан бирга бюджетга ўтказилган бўлса, унда корхонага жарима қўлланилмайди. Но-тўғри ўтказиб юборилган бадал суммаси бюджетдан фуқаронинг шахсий ҳисобварағига қайтарилди.

Бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатлари билан

яхши таниш бўлмаслик оқибатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рисоладагидек бажарилмаётган ҳолатларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Учқўрғон тумани бўйича 42056 нафар фуқаро шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиб, уларнинг 256 нафари ихтиёрийлик асосида рўйхатга олинган. Бироқ туман ДСИ томонидан ўтказилган текширишлар натижасида 7 та корхона-ташкилотлар қонунчиликнинг юқорида таъкидланган талабларига риоя этмаганлиги аниқланган. Жумладан, 2 таси Халқ банкига ёки фуқарога қонунчиликда белгиланган маълумотларни тақдим этмаслик ҳолатларидир. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан 7 та корхонанинг раҳбар ходимларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 179<sup>2</sup>-моддасига асосан иш қўзғатилиб, ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни шахсий жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси эгасига имконият туғдирса, иш берувчига катта масъулият юклайди.

**Акрамжон АЪЗАМХОНОВ,**  
Учқўрғон туман ДСИ бошлиғи.

### Тadbир

## МЕХР-МУРУВВАТ МАРАФОНИ

Тошкент вилояти ногиронлар жамияти, «Қизил ярим ой» жамғармаси вилоят бўлими ҳамда Бекобод шаҳар ҳокимлиги ҳамкорликда хайрия марафони ўтказди.

Тadbирда 150 га яқин ишти-



мой ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган оила вакилларига тadbир ташкилотчилари томонидан ногиронлик аравачалари ҳамда инсонпарварлик совға-саломлари улашилди. Хушовоз хонандалар томонидан намойиш этилган кўнгилочар концерт дастури йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Тadbирда Тошкент вилояти ногиронлар жамияти раҳбари Йўлдошали Якубжонов ҳамда «Қизил ярим ой» жамғармаси вилоят бўлими раиси Насиба Қорабоевалар сўзга чиқиб, айти пайтда ногиронларнинг жамиятимиздаги ўрни ҳақида фикр билдирди.

**Турдикул НОРМАТОВ,**  
«Оила ва жамият» мухбири.

### Спорт

## ЎҚУВЧИ ҚИЗ ҒАЛАБАСИ

Яқинда Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти марказий кенгаши ҳамкорлигида Турон яккакураши бўйича 1999-2000 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 215-умумтаълим мактаби 9-«А» синф ўқувчиси Раъно Ибрагимова 48 кг. вазн тоифасида фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Бу бир неча йилдан бери ушбу спорт тури бўйича қатор ютуқларни қўлга киритиб келатган умидли спортчи қизнинг навбатдаги ғалабасидир. Йил сайин ривожланиб бораётган Турон яккакураши билан жиддий шуғулланаётган Р. Ибрагимова мактабимизда ҳам энг намунали ўқувчилардан бири саналади.

**Эътиборхон ХУДОЙҚУЛОВА,**  
Ҳамза туманидаги  
215-мактаб жисмоний тарбия ва спорт фани ўқитувчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фарзанд — оила кувончи, унинг соғлом туғилиши ва соғлом ўсиши шу ҳаёт кувончининг бут бўлишини англатади.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолимизнинг илк йилларидан бошлаб соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада амалиётга изчил йўналтирилган кўплаб қонун ҳужжатлари, дастурлар кенг қўлланилиши саъй-ҳаракатларимизнинг мустақам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Бунда болаликни муҳофаза қилиш, аввало аёллар соғлигини асраш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби хайрли ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз Исрол Каримов томонидан қириб келаётган янги 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши юртимиздаги улугвор ишларнинг мантқиқий давоми бўлди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини ишлаб чиқишда эътибор қаратиладиган муҳим масалаларга тўхталиб, “Биринчи навбатда оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг ихтисосий ва маънавий асосларини мустақамлаш каби масалалар эътибор марказига қўйилиши зарур”лигини алоҳида таъкидладилар.

Албатта, фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етиши бир қатор ҳаётий омилларга

# ТОТУВ ВА АҲИЛ ОИЛА МЕВАСИ

боғлиқ. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, соғлом бола — аввало соғлом ва аҳил оила мевасидир. Ушбу таърифда чуқур асос ва теран маъно муҳассам. Соғлом ва аҳил оилаларнинг барпо бўлиши, мустақамланиши, пировардида жамият таянчига айланиши учун бугунги ҳамда узоқни кўзлаб қилинаётган кенг қамровли ишлар юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир оила ҳаётида намоён бўлаяпти. Буларнинг барчаси эришилган ютуқларни мустақамлаш, ҳаёт олдимизга қўяётган галдаги мақсадларга ишонч билан қадам қўйишга пухта замин яратди. Президентимизнинг “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриши — ёруғ келажагимизнинг асосий омиллари” номли маърузасида тилга олинган истиқболли дастурлар, белгиланган долзарб вазифалар ижросига оид келтирилган рақамларда ҳам бу яққол асқ этиб турибди.

Хусусан, 2013 йилнинг ўзида кишлоқ аҳлига уй-рўзгор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой куриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадига 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилди.

Айни пайтда юртимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга, ҳар 100 та оила-

га ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда, шунингдек, аҳолининг кир ювиш машинаси, пиле-сос, микротўлқинли печлар, шахсий компьютерлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда. Бу каби рақамлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги кунда аҳолимизнинг нафақат турмуш даражасини ошириб, аввало, ҳаётимиз сифати тобора юксалиб бораётганидан далolatдир.

Ҳаёт гўзал экан, инсон соғлиги қанчалик ўз маромида бўлса, бу гўзаллик унга шунчалар татийди. Айниқса, аёл учун оиласидаги барча инсонларнинг, жондан азиз фарзандларининг соғу саломатлиги, бахту саодатида ҳаёт гўзалликлари, мазмуни намоён бўлади. Шу билан бирга, соғлом бола ва соғлом она бир-бирини тақозо этувчи тушунчалар экани бугун барчага аён. Шу маънода 2013 йилда туғуруқ ёшидаги 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўриқдан ўтказилгани “Соғлом она — соғлом бола” тамойили нақадар жиддий масала эканлигини яна бир бор тасдиқлайди. Соғлом боланинг туғилиши, биринчи навбатда онанинг соғлигига боғлиқлигини назарда тутиб, давлатимиз раҳбари “Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш — эр киши, бутун жамиятимизнинг бурчидир”, дея алоҳида қайд этдилар.

Мамлакатимизда соғлом

бўлғуси фарзандлар ва ота-она саломатлигига боғлиқ жиддий муаммоларни пайдо қилади.

Бир ҳақиқат аёнки, халқимиз ва жамиятимизнинг келгуси ҳаётида бу йўналишдаги барча тадбирларнинг моҳияти бўлғуси соғлом ота-оналар ва уларнинг соғлом фарзандлари — эртанги ёруғ келажагимиз эгалари тимсолида акс этиши шубҳасиз. Ва бунини келажақ авлод миннатдорлик туйғуси ила эътироф қилажак.

Мустақиллигимизнинг ўтган 22 йили мобайнида жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида амалга оширилган ишлар самараси Ватанга садоқатли, ўз кучига ишонган, билимдон, ақлзаковатли ёшларимизнинг жаҳон миқёсида эришаётган ютуқларида яққол ифодасини топмоқда. Бундай муваффақиятлар Ўзбекистон ва унинг фарзандларига дунёнинг ҳавасини уйғотаётгани айна ҳақиқатдир. Шу боис Президентимиз ҳар доим Ўзбекистон болалари ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом ўсишлари ҳақида қайғуриб, уларнинг ҳеч қимдан кам бўлмасликларини таъкидладилар. Ана шундай эзгу мақсадларга йўналтирилган барча саъй-ҳаракатларимиз эса ҳар бир бола, ҳар бир она соғлигини муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқликда олиб боришмоқда.

Ҳа, Яратганининг инояти билан аёл оламнинг гултожи бўлган Инсонни ўз вужудида дунёга келтирувчи буюк зот. Бугунги авлод — эртанги халқ эканини назарда тутсақ, миллат давомчилари бўлган болажонлар билан юртимиз бағрини тўлдирган Аёл ҳар қанча ардоқ ва эъзозга лойиқ. Элимиз фарзандлари жисмонан ва маънан соғлом ўсишига оналар ва болаларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани Ватанимиз равнақи, истиқболи, халқимиз келажаги учун қилинаётган энг улуг ишларимиз қаторида ёркин намоён бўлади.

Дилором МАТКАРИМОВА,  
“Оила ва жамият” муҳбири.

## ҲАР БАРМОҚДА ҲУНАР БОР

Теран нигоҳли жажжи Шоҳсанам уйдаги ёнғоқ пўчоғими, қовоқ уруги, чиганоқ ёки мато парчасими, хуллас, қўлига нимаики тушса, у даров ўз ҳаёлотига мослаб бир чиройли буюмни ясаб, ҳамма-ни хайрон қолдирарди. Жиззах вилояти, Ховос туманидаги буюмтаълим мактабининг бошланғич синфида ўқиётганидаёқ устози Гулбахор Умирова унинг тасвирий санъатга қизиқишини пайқайди.

Шоҳсанам мактабда ўтказиладиган турли танловларда қатнашиб, ўзи чизган суратлар ва ясаган буюмларини кўргазмаларда намойиш этди. Кейинроқ у таҳсилни Гулистон шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида давом эттирди.

— Бу ерда устозим Малохат Махмудова ҳам худди Гулбахор опамдек меҳрибон, —

дейди Шоҳсанам. — Ҳар бир ишимни диққат билан кузатиб, зарур маслаҳатлар берадилар. Айни пайтда санъат, бадиий адабиётга қизиқиш билан бир қаторда инглиз тилини ҳам ўрганияпман. Кела-



жакда моҳир рассом бўлиб етишсам, дейман, шунда чет элларга боришни ният қилганман...

Шоҳсанам Бойчибоева бу йилги «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичи голибаси бўлди. У кейинги синовларга ҳар то-

### Истеъдод

монлама тайёрларлик кўриб, ўз устида доимий изланапти.

— Биз оилада тўрт нафар қизимиз, Шоҳсанам учинчи фарзанд, — дейди опаси Хилола. — Ота-онамиз ҳар биримизни ўз интилишларимиз ва қизиқишларимизга қараб, рағбатлантиришади. Синглим Шоҳсанам чизган суратлар, турли чиганоқ, шиша ва бошқа нарсалардан ясаган асарларини кўрганимизда хурсанд бўламиз. Мен ҳар бир бармоғида ҳунар яширинган синглим билан фахрланаман.

Шоҳсанам ўз устида ҳали жуда кўп меҳнат қилиши ва илм олиши зарурлигини яхши билади. Беғубор умидларига етиш, инсонларга санъат оламининг янги қирраларини намоён этиш унинг митти кўнглидаги катта орузсидир.

Шахло АБДУСАИДОВА,  
Сирдарё вилояти.

Инсон қалбидида тинчлик аталмиш улуг неъматни қадрлаш ҳиссининг ортиши маҳаллалар осовишталлиги, оилалар ҳаловати, фарзандларимизнинг маънавий тарбияси билан боғлиқ. Шу боис ички ишлар ходимлари элимиз тинчлигини асраб-авайлашдек эзгу ишларда ҳамиша камарбастадир.

Бу оддий ҳақиқатни Ургут тумани ички ишлар бўлими масъул ходими, майор Тойиржон Мирзакулов фаолиятида яққол кўриш мумкин. У аҳоли ўртасида турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, бир сўз билан айтганда, энг улуг бойлигимиз ҳисобланган

## КАМАРБАСТАЛИК

тинчлик-осойишталикнинг барқарор бўлишида фаол хизмат қилиб келмоқда.

— Айниқса, ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳолатлари содир этилишининг олдини олишда кенг жамоатчилик орасида тарғиботнинг аҳамияти катта, — дейди Тойиржон Мирзакулов. — Туманимиз ҳудудидаги кишлоқ ва маҳаллаларда, ўқув даргоҳларида ҳуқуқий маданиятни ошириш борасида уюштирилаётган жонли мулоқотларга кексалар, фаоллар ҳамда ўсмир ва ёшларни ҳам жалб этаямиз. Бундай тадбирларда мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Кувончли жиҳати, жонкуяр инсон Т. Мирзакуловнинг ўзи ҳам оиласида бошқаларга ибрат бўлувчи ишларга бош-қош. Умр йўлдоши билан биргаликда уч нафар фарзанднинг таълим-тарбиясига масъулият билан ёндашишмоқда.

Узоқ ОМОНОВ,  
Ургут тумани.

— Ҳар бир оиланинг ўз рўзгор тутуми бор, — дейди уй соҳиби Абдухалил ака. — Тўрт киз, икки ўғилни воёга етказдик. Фарзанд тарбияси осон эмас. Болаларим хато қилиб қўйганида уриб-сўкмаганмиз. Гапга кулоқ солмаса ёки бирон шўхлик қилишса, онаси кечкурун болаларга "ота мажлис" бўлади, дер экан. Очиги, мен ишдан ортмасдим, болаларим, кечкурун отамизга нима деб жавоб берамиз, деб чўчишган. Буни қарангки, улар бунақа "мажлис" нима-лигини кўрмай ўтишди. Умр йўлдошим билан 46 йил бирга яшаб, бирор марта "сиз" оғзим "сен"га бормаган. Рўзгордан аччиқ-чучук гаплар ўтади. Бирор нимадан асабийлашганда, бирортасини ранжитиб қўймай деб, дарҳол кўчага чиқишга одатланганман. Бирпас айланиб келганимдан сўнг яна аввалгидек яхши кайфият билан юмушларни давом эттираверамиз. Ўтган гапни эслатиш эркак кишига хос иш эмас, деб ўйлайман.

— **Абдухалил ака, отанинг феъл-атвори ўғилга ҳам ўтади, дейишди. Бу мулоҳазага қандай қарайсиз?**

— Бу жуда тўғри фикр. Отам раҳматли бизни ўз ишимизни билиб-билиб қилишга ўргатарди. "Фақат яхши одамларни ҳамроҳ тутинглар, уларнинг яхши фазилатини ўрганинглар", дерди. Болалигимиз урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Кун бўйи оиламиз билан далада ишлардик. Хизмат ҳақимизга бир ойга 20 килограмм бугдой беришарди. Кейинги йилгача қарздор қилиб қўйишарди. Шукрки, мана шундай дорилон кунларга ҳам етиб келдик. Болаларни ўқитдик, ўйли-жойли қилдик. Ота-она учун фарзанди ҳақида ёмон гап эшитмасликка нима етсин?! Ҳаммаси ҳалоллик билан ҳаётда ўз ўринларини топилган.

— **Сиз кўп китоб ўқиганингиз учунми, Турсуной ая ҳам газета-журналларни варақлашни яхши кўраркан...**

— Аслида, аёлим 3-синфни битирган, ҳолос. Лекин ўқишга жуда қизиқарди, ўша йиллари бунга шариот бўлмаган. Турсуной бадий асарларни ўқишга ҳавас-

**Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани, Кумовул қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қорақалпоғистон маҳалласида истиқомат қилаётган Абдухалил ака Абдурашулов ва Турсуной онанинг оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Пиру бадавлат отахон ва онахонининг яшаш тарзи, дунёқарши ёшлар учун ибрат бўлмулик...**

## БИРИ ОЙ, БИРИ ҚУЁШ...



манд эди. Ҳар йили газета ва журналларга обун бўлардик. У яхши ҳикоялар, ҳикматли сўзларни болаларга ўқиб берардик.

— **Ҳаётни безайдиган омиллар нималар деб ўйлайсиз?**

— Бахтли бўлиш, ҳурмат-иззат орттириш, аввало, инсоннинг меҳнатига боғлиқ. Ўз ишини яхши билган, касбига меҳр қўйган кишига эса уни қўллаб-қувватловчи инсонларни тақдирнинг ўзи етказди. Одам фақат ўзини ўйлайдиган бўлса, бировларга яхшилик қилишни истамас, у ёлғизлини қолади, шунисидан асрасин. Фарзандларимизни ҳам меҳнатсевар қилиб тарбияласак, кейинчалик ҳаётда қоқилмай яшашади. Ота-онанинг тоғганига ўрганган фарзанд кейинчалик аросатда қолгандай бўлади, у ўзи ишлаб топган пулининг ҳам қадрига етмайди.

Турсуной билан турмуш қурганимизга, мана, оз эмас, кўп эмас, қирқ олти йил бўлибди. 19 нафар неварамиз бор. Менинг назаримда, аёлим билан 46 кунгина яшагандекман. Турфа феълли одамларни кўрдик, кўраямиз. Ҳаёт нафақат қувончла-

ри, балки ташвишлари билан ҳам чиройли эканлигини ҳар дақиқада ҳис этаман. Яшаш жуда гўзал, жуда завқли, атрофимда яхши одамлар кўп. Одамзоднинг яна бир дўсти, кўмақдоши бу — китоб. Бадий асарларнинг қаҳрамонлари орқали зарур ҳаётини ҳикматларни илғаб бораверамиз.

— Биз оилада уч киз бўлганмиз, — дейди бир этак неваралари қуршовида ўтирган Турсуной опа. — Онанинг эрта вафотидан кейин кемтик бўлиб қолган қалбимни қайнонамнинг ширин сўзлари, илик меҳри тўлдириди. У киши жуда болажон аёл бўлиб, ақлли, сабрли инсон эди. Уйимизга овсиним келин бўлиб тушганида, қайнонам "Уйдаги сиринг кўчага чқмаслиги энди сизга боғлиқ", деб насиҳат қилди. Овсинимни синглимдек кўрдим, у мени "Опам, менинг меҳрибоним" деганини эшитиб, бошим кўкка етган. Қайнонамнинг насиҳатлари мағзини ёшим бир жойга борганида чуқурроқ тушуниб етдим.

— **Турсуной ая, оилада бахти бекамликка эришиш учун ёшларга айтар сўзларингиз...**

— Аёллар умр йўлдошини доим очик чеҳра билан кутиб олсалар, унинг ҳам юзи ёришиб кетади. Эркалар эса аёли нимадандир сиқилиб турганида: "Э, менга нима!", деган гапни айтмасинлар, дейман. Бахтни фақат оиладангина топиш мумкин. Дунё яралганидан бери бир қонун бор: ота-она, ота-бола, эру хотин ўртасидаги муносабатлар ҳеч қачон ўзгармайди. Ахир улар бир оилани ташкил этади. Шундай экан, бусиз бахтни қайдан излайсиз?! Фарзандлар ҳам ибратли оилада ота-онасини бирини ой, бирини қуёш англаб яшайдилар. Ёшларни кузатиб, кўп нарсаларни ўйлайман: Уларга "Мен ёшлигимда ундок эдим, сен бундоқсан", деявериш ярамайди. Чунки замон ўзгаргани сари ёшларнинг ҳам дунёқарши ўзгариб боради. Лекин уларни қўллаб-қувватлашимиз, қилаётган ишларини кузатишимиз, хатога йўл қўядиган бўлса, айтиб туришимиз лозим. Ҳаётда учраган яхши инсонларни доим устоз деб билганман. Бетоб бўлиб касалхонада ётганимда бир аёл умр йўлдошимни яқиндан танигани боисми, "Жуда яхши инсон", деб қолди. Бу гапдан сал ибто қилиб: "Нега бундай деяпми, менга унчалик билинмайди-ку", десам: "У сенга бўлган меҳрини тушунганингга қадар кутади", деди. Қизларим билан гурунглашиб қолсак, ўша аёлнинг гапларини мисол қилиб келтираман ва "Сизнинг меҳрингизни ҳам тушуниб етадилар ва қадрлайдилар", дейман.

Меҳринисо ҚУРБОНОВА,  
журналист.

### И л х о м



### ДАДАМГА МАКТУБ

Қани эди, уйда бўлсайдим,  
Катталарча

ўйламасдим ўй.

Димоғимга урлармиди,

Болаликнинг ислари хушбўй!

Дунё олиб

беролмасман, лек,

Дунё-дунё

ташвишман сизга.

Сиздан ўтган

одамгарчилик,

Шаҳардаги қишлоқи қизга.

Насиҳат-у ўғилларингиз,

Парвозимга

бўлмақда қанот.

Инди маним

гапимга жиндай,

Кирмоқчидай

бўляпти ҳаёт.

Бошларини

эзмагай мафтун,

Сиздан мерос —

эътиқод, гурур.

Сиздек Отам борлиги учун,

Оллоҳимга минг бор

ташаққур!

### ҲАЁТ

Мен ҳаётни севдим, бас,

Менга ўхшайди ҳаёт.

Лекин мени хушласам,

Сенга ўхшайди ҳаёт!

Ишқ тафтида тобланган,

Иккимиздек топталган.

Иккимизни ҳам чалган,

Жинга ўхшайди ҳаёт.

Сен — андармон,

мен — дармон,

Сен борсан — мен беармон.

Ғам пичоғига ошён,

Қинга ўхшайди ҳаёт.

Икки қўли мушт турган,

Икки қўли мушт турган,

Ёлғонларни хуш кўрган,

Чинга ўхшайди ҳаёт.

Сен учун доим ишқал,

Сухбат қурмас бежанжал.

Барча гуллардан афзал,

Гулга ўхшайди ҳаёт.

Мафтун НОРМАТОВА,  
Ўзбекистон  
Миллий университети  
ўзбек филологияси  
факультети  
2-курс талабаси.

## МЕҲМОННИНГ РИЗҚИ

...Саломатнинг келиндан кўнгли тўлмади. Нимагагини ўзи ҳам билмайдди, шунчаки ўли у таллаган қизни олмай, шунча маҳкам ёпишиб олгани онага ёқмади. Ахир Анвар ёлғиз боши билан катта қўлдан бор умиди, бу дунёга келиб топган бўлиши-ди.

Айниқса, бугун нимагадир ғашлиги куч олиб, келиннинг ишидан камчилик излаб қолди. Қурмағур қизнинг бари иши бехато, муомаласи ҳам шириндан-ширин, узиб-узиб олай деса баҳона топилмайди. Саломат туриб-туриб меҳри ийиб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Йўқ, барибир бўш келмайдди!

Саломат йўлини топди: шом қорая бошлаганда чўчара тушини буюриб, ўзи шартта қўшиниксиза чиқиб кетди. Пешонасиза "супер келинчак" битган шекилли, қайтиб чиқса овқатни биқирлатиб қайнатиб қўйибди. Мазасини-ку қўяверасиз! Тан берисиз

келмаган Санобар ошхонада идиш-товоқ ювишга уннаган келиннинг ёнига чиқди.

— Менга қаранг, қизим, яна овқатни сал кўпроқ қилиб қўйибсизми? — дея қозон тубида қолган таомга широк қилди қайнона ва келини жавобга оғиз жуфтлаган заҳоти гапида давом этди:

— Анварим иситма овқат емайди, делиганмидим сизга?

— Кечиринг, аяжон, — узун киприкларини гуноҳхорона пирпиратди келин, — ўрганиб қолибман. Аям ҳар доим "Овқатга меҳмоннинг ризқини қўшиб бир коса кўп қилгин, очик эшикдан ҳар вақт биров кириб келиши мумкин", дердилар. Шунга...

— Ҳм-м... — бир муддат жим қолди Саломат. — Майли, қизим, исроф бўлмасин дейман-да.

Саломат келиннинг гапи ўринли эканини

### Ўзбекона

тушуниб турса-да, тан бергиси келмади. Лекин ҳали овқат совмасидан олис сафардан қайтган укаси йўл-йўлаккай йўқлаб утай деб кириб келган... Айниқса, овқатни мақтаб-мақтаб ичгани сари ўз ишидан хижолат тортиб кетди. Таваба, муштдеккина келини дарс бериб қўйса-я.

Шу тариқа меҳмоннавоз, келди-кетдида пухта келинга нисбатан илиқ ҳислар уйғониб, қалбидеги меҳр аталмиш бўлоқнинг яна битта кўзи очилди.

Эртаси кунчи кеч маҳал келин одатга кўра яна суради:

— Нима овқат қилай, аяжон?

— Би-ир ош дамланг, қизим, — деди Саломат ва жимлайиб қўшиб қўйди: — Меҳмоннинг ризқини ҳам унутманг-а?

Гулчеҳра АСРОНОВА

Ота-онанинг саломатлиги, фарзандларнинг соғлом туғилиши оила кўргони пойдеворини мустаҳкамлайди. Янги оила кураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказишга доир чора-тадбирлардан шундай эзгу мақсадлар кўзланган. Айни пайтда никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамиятини кўпчилик англаб етмоқда, десак янглишмаймиз. Шу билан бирга айрим ота-оналарнинг бунга бефарқ қарашлари кузатилаётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

**Нигора МАТИЕВА, Олмасор тумани марказий кўптармоқли поликлиникаси мудир, келин-куёвларни тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича масъул:**

— Тиббий таҳлилларда касалликнинг аниқланишини оила аъзолари салбий ҳол деб қараша-да, унинг тўйдан олдин маълум бўлганлиги ижобий натижа, деган бўлардим. Чунки олдин шаръий никоҳ билан кифояланиб, тўйдан кейин расмий никоҳдан ўтган ёшлар тиббий кўрикдан ўтишганида бирор бир руҳий ёки юқумли касалликлар аниқланиши муаммоли ҳолатдир. Ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида юқумли касалликларга чалинганлиги кузатилганида уларга, аввало, зарур даражада тиббий ёрдам кўрсатилади, маслаҳат берилади. Шубҳасиз, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ўзи ва яқинлари учун азият. Фақат ўзини ўйлаб, кимнингдир ҳаётига касаллик билан хавф туғдиришга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу боис ҳам тўйга тайёргарликнинг илк нуқтаси тиббий кўрик бўлиши керак, деган фикрдамыз.

**Меҳринисо ая АБДУЛЛАЕВА, Янги Себзор маҳалласи фаоли:**

— Кўхна удумларимизга кўра тўйдан олдин йигит-қизнинг етти пушти сўраб-суриштирилгани бежиз эмас.

Кўраямиз, айримлар етти пуштининг саломатлигидан кўра қудаларнинг бойлиги, мол-мулки билан қизиқади. Оқибатда тўйдан олдинги тиббий кўрикни арзимас юмушга йўйиб, қаттиқ янглишиб қоладилар. Вақт ўтгач аса келиннинг ҳадеб бетоб бўлишидан ёки куёвнинг ичкиликка муқкасида кетганини билиб, изтиробга тушишади. Аслида фарзандимизнинг тақдирини қандайдир дабдабали тўйга эмас, унинг саломатлигига боғлиқ ҳолда кўришимиз лозим. Афсуски, баъзан буни кеч тушунамыз.

**Гўзалхон УСМОНОВА, Тошкент шаҳар 2-сонли “Шодлик” никоҳ уйи мудир:**

— Фуқаролигидан қатъи назар,

Ўзбекистон Республикасида ФХДЭ идоралари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча шахслар Оила кодексига мувофиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Ёшларнинг бири ёки икковиди ҳам касаллик аниқланган ҳолатда уларнинг текшириш

ўтганлиги, никоҳи расмий қайд этилганини далолат этувчи махсус маълумотнома билан танишгач, шаръий никоҳни ўқишлари тавсия этилади.

**Зилола, ёш келин:**

— Турмуш қурганимизга ҳам уч ойдан ошди. Тўйдан аввал ФХДЭ бўлими ходимлари тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма беришди, — дейди Зилола. — Менда камконлик касаллиги аниқланди. Тўй кунига мен даволаниб олдим. Ҳозир соғлигим жуда яхши, фарзанд кутаяпмиз.

**Олимжон, куёв:**

— Соғлом оила қуриб, бахтли бўлишимиз учун шундай шароитлар яратиб қўйилганидан жуда мамнунмиз. Тиббий кўрик, йўлланма, муолажалар бепул. Соппа-соғ фарзандларнинг ота-онаси бўлиш — энг катта бахт-ку! Оила қуриш остонасида турган тенгдошларимизга никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан ўзларини беҳуда пайсалга солмай, оиласи ҳаётига масъулиятли бўлишларини маслаҳат берган бўлардим.

**Дилором МУРОДОВА, Республика «Оила» илмий-амалий марказининг илмий ходими:**

— Бир обрўли хонадоннинг қизини кўшни маҳаллада яшайдиган, хорижда ишлаб келган йигитга унаштиришди. Унаштирувдан кейин негадир қудалар томон тўйни тезлаштиришга тушишди. Аввал шаръий никоҳ ўқитиб, тўйдан кейин расмий никоҳдан ўтаверадилар, дейишди.

Қиз томон эса ёшлар аввал никоҳини расмий қайд этиши зарурлигини айтишгач, ноилоҳ қўнишди. Қиз тиббий кўрикдан ўтди-ю, негадир йигит томон турли баҳоналар билан тўйни ортага суришди. Хуллас, йигитга юқумли бўлган захм касаллиги аниқланибди. Ажабланарлиси, куёвнинг ўзи ҳам, ота-онаси ҳам бундан хабардор бўлган экан...

Чиндан ҳам оила кўргонини барпо этишда шошма-шошарликка, лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Озгина ҳафсала қилиш билан бир умр бахтли яшаш ёки аксинча, бепарволик сабабли қутилмаган муаммоларга учраб қолиш ҳеч гап эмас.

**Қамола АҲМЕДОВА.**

## ПОЛИПЛАР ЗАРАРЛИ ЭМАСМИ?

Тошкент Тиббиёт академиясининг “Умумий амалиёт шифокори тайёрлаш кафедраси” ассистенти, тиббиёт фанлари номзоди, гастроэнтеролог **Абдували Қулқараев шарҳи:**

— Полиплар сарик рангли майда ўсимталар бўлиб, организмнинг шиллиқ қаватларида, яъни бурун йўли, ичак ва ошқозон соҳасида ўсиши маълум. Бироқ, тиббиётда бу шарчаларнинг ички аъзоларда қандай қилиб пайдо бўлиш сабаби аниқланмаган. Олимларнинг таҳминларича, бу ҳодиса иммунитет пасайиши, генетик ва гормонал ўзгаришлар, организмга вируслар чанг солиши ҳамда нотўғри овқатланиш оқибатида келиб чиқади. Бу касаллик аксарият инсонларда учраса-да, йиллар давомида ўз аломатларини сездирмайди. Умуман олганда, безарар десак ҳам бўлади. Лекин полипларнинг ҳам бир неча турлари мавжудлигини билиб қўйиш керак. Уларнинг ўз-ўзидан кўпаювчи ва бир маромда турувчи хиллари бор. Ривожланувчи тури кенгайиб борса ошқозон йўлини беркитиб қўяди. Натижада бемор қорин бўшлиғининг юқори қисмидаги оғриқдан ёки овқат ҳазм қилишга қийналаётганидан шикоят қилади. Бундай вақтда имкон қадар ёғли таомларни камроқ истеъмол қилган маъқул. Чунки ёғли таомларни кўп истеъмол қилиш қонда холестерин миқдори кўпайишига олиб келади. Бу эса ўт чиқарувчи йўллар касаллишига, ўт қопида тошлар ва полиплар кўпайишига сабаб бўлади. Агарда бу майда тошмалар организмда ортиб кетса, тана ранги саргайди. Бундай пайтда, албатта, шифокорга мурожаат қилган маъқул. Ҳар қандай касалликка беэътибор қаралса, у зўрайиб, хавфли ҳолатларга олиб келиши мумкин. Агарда полиплар катталашади ёки кўпайиб кетган бўлса, бу жарроҳлик йўли билан даволанади. Сўнг бемор маълум бир муддат шифокор назорати остида зарур муолажаларни олади ва унга парҳез таомлар буюрилади.

Организмда полип борлиги аниқланганлар овқатланиш тартибидан туз, консерва, ёғли ширинликлар, қовурилган таомлар, дудланган гўшт, қўзиқорин, саримсоқпиез, гармдори ва яна шунга ўхшаш маҳсулотларни чеклаб, қайнатма таомлар, сабзавотлар, турли хил мевалар, ёғсизлантирилган сут маҳсулотлари, картошка бўтқаси каби ёнғил таомларни истеъмол қилишлари лозим. Нафақат беморга, балки соғлом инсонга ҳам оз-оздан 4–5 маҳал овқатланиш фойдали.

“Оила ва жамият” муҳбири **Барно МИРЗААҲМЕДОВА** ёзиб олди.



**ёхуд тиббий кўрикнинг нечоғли жиддий аҳамиятга эга эканлиги хусусида сўз**

натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангач, никоҳ қайд этилади. Шунингдек, тиббий кўрикни ўтказган шифокор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрик натижаларининг ҳолислиги учун шахсан жавоб беришини ҳам айтиш жоиз.

Баъзан икки ёш алақачон шаръий никоҳ билан оила қуриб, етти-саккиз ой яшаган ва эрта-индин фарзанд қутишаётган бўлади. Ачинарлиси, гоҳида уларда тиббий кўрик қоидаларида кўрсатилган хасталиклар борлиги аниқланади, касаллик ҳомилага таъсир кўрсатганлиги кузатилади. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида биз Ўзбекистон мусулмонлар идораси билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Имом-хатибларга никоҳланувчи ёшларнинг никоҳ гувоҳномаси ёки тиббий кўрикдан

коҳдан ўтаверадилар, дейишди. Қиз томон эса ёшлар аввал никоҳини расмий қайд этиши зарурлигини айтишгач, ноилоҳ қўнишди. Қиз тиббий кўрикдан ўтди-ю, негадир йигит томон турли баҳоналар билан тўйни ортага суришди. Хуллас, йигитга юқумли бўлган захм касаллиги аниқланибди. Ажабланарлиси, куёвнинг ўзи ҳам, ота-онаси ҳам бундан хабардор бўлган экан...

Чиндан ҳам оила кўргонини барпо этишда шошма-шошарликка, лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Озгина ҳафсала қилиш билан бир умр бахтли яшаш ёки аксинча, бепарволик сабабли қутилмаган муаммоларга учраб қолиш ҳеч гап эмас.

**Қамола АҲМЕДОВА.**

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1–2 ой.  
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1–2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3–4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Ҳақон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2–3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дигелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.  
Ўқини тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона

МУЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30, 225-97-93 (18 дан 22 га).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона нули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЛЖАЛ: Куилик киним бозори рупарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи).

### БИР ҲОВУЧ ДУР

Эркак учун энг яхши либос — ширинсўзлик, хотин учун энг аъло кийим — оқиқ юзлик.

**Муъиниддин Жувайний**

Ўзгалар олдида берилган насихат таънадек ботади.

**Қобус**

Ой нури бўлса ҳам, ҳар кун қўриनावеганидан қадрсиздир.

**Хуррабий**

### ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат ҳақон тиллари университети томонидан Норбоева Клара Жумабоевна номига 594-94 рўйхат билан 1997 йилда берилган №090512-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Эсимни таний бошлаганим-даёқ кўча-кўйда менга галати қарашаётганига, галати гап-сўзларга дуч келардим:**

— Бу — анави Норгулнинг қизими? Тавба, бирпасда кап-катта бўлиб қолибди-я!

— Ҳа, чиройлилигини қаранг. Иси Гулрухсор эдими?

— Чиройли бўлмай кетсин, онасини маломатга қолдириб тутилган қизнинг чиройи нима бўларди?! Кўрасиз, ҳали бу қиз улғайганида Норгулнинг эшигини қоқиб, уни ким сўраб келаркин?

— Балки...

— Э, кўйинг, гапирманг!

Мен нега бошқа қизларга ўхшайман, нега одамлар, айниқса, аёллар мени кўрганларида ўзларини олиб қочишади? Нега қизларини мен билан ўйнашини исташмайди? Бу

оқибатда на болалигим хурсандчилиқда ўтди, на бошқаларга ўхшаб хурмат ва иззат кўрдим.

Тўғри, мен дугоналаримга нисбатан анча чиройли эдим. Лекин йигитларнинг ҳеч бири менга севиғи мактуби ёзмаган. “Демак, мен севилишга ҳам нолойиқ эканман-да”, деган ўй кўп бора юрагимни тилка-пора қилган, дунёга келганимга пушаймон бўлганман.

Менинг изтиробларимни онам жуда яхши ҳис этарди. Унинг меҳри туфайлигина яшашда давом этдим. У мени еру кўкка ишонмасди. Нима топса, менга илинарди. Ҳаммадан яхши кийинишим учун ўзини ўтдан-чўққа урарди. “Сен тушкунликка тушма, албатта, ҳаётда ўз ўрнингни то-

## Бунни ҳаёт дейдилар

бўлса деб сендан зиёдасини орзу қилмаганман. Лекин... ўзинг ҳам яхши биласан... шифокорсан. Онанг... мен эса невараларимнинг соғлом туғилишини истайман. Чунки шу ўғлимдан бошқа фарзандим йўқ.

Устозим — мени суйган йигитнинг онаси бу гапларни қанчалар изтироб билан айтган бўлса, бу гаплар юрагимга ундан ўн баробар ортик азоб берарди. Тақдирга тан бермасликдан бошқа чорам йўқ эди менинг. Аслида, болалигимни унутуш учун шаҳарга кетгандим, энди эса муҳаббатимни унутуш учун қишлоққа қайтдим. Касбим тақозоси туфайлими, энди одамлар



# МАЛОМАТ

# ТОШЛАРИ

мен  
га галати

қарашмас, менадан шифо топганлар ҳатто хурмат қила бошладилар. Онам орзу қилганидек ҳаётда ўз ўрнини топгандим. Касбим мени элда хурматли қила бошлаганди. Онам иккимизнинг ҳаётимиз эса бир маромда давом этарди.

Ўтган кунни уйимизга бир аёл кириб келди. У остонамизни ҳатлаб ўтган биринчи совчи эди. Унинг айтишича, уқасининг мол-давлати ўзига етарли экан. Лекин фарзандсиз эмиш. Ўзига тўқ, эл-юртда обрўли бир хонадоннинг қизига уйлангани боис ундан ажраша олмасмиш. Агар рози бўлсам, менга шаръий никоҳ билан уйланармиш ва мен унга фарзанд туғиб берсам кифоя экан. Боз устига, мен онам билан яшашда давом этарканману, у уйимизга келиб турармиш!..

Мен туш кўраётгандай эдим. Негадир ўзимни йигирма йиллар ортга қайтиб, болалигим билан рўпара келгандай ҳис қилдим. Елкасини қисиб, болаларга кўшилмай турган, кўзида ёш филтилган қизалоқнинг изтироблари яна юрагимга қуйилди...

Гўё бола тугсам, менинг ҳам бола худди ўзимникидек қисматга дучор бўладигандай кўрқиб кетдим ва келган аёлни олдимга солиб қувдим. Онам бу ишимдан хафа бўлди. Мен биринчи марта онамга иддао қилдим, қисматим шундай бўлгани учун волидамни айбладим. Муштипар онажоним йиғлай-йиғлай жимиб қолдилар...

Деразадан ташқарига қарайман. Зим-зиё тун. Гўёки ҳеч қачон тонг отмайдигандай. Мана шундай лаҳзаларда мен ўзимга: “Умидингдан айрилма, кўнглим”, дея таскин бераман. Яхшиямки, бизга умид қилишдек улуғ неъмат ато этилган... Мен ишонаман, эртага бутун замингаю қалбимга нур таратиб қуёш чиқади. У менинг бахт қуёшим бўлар, балки... Янаям билмадим...

Гулрухсорнинг ҳикоясини  
Шахло ТОШБЕКОВА ёзиб олди.

## Бу қизиқ!

### БЎЙ ҚИЗЛАР, ИЧМАНГ!

Эндометрия соҳаси салқин ичимликларни тез-тез ичиб турадиган балоғат ёшидаги қизларда саратоннинг ривожланиш хавфи юқори бўлишини аниқлади. Ширин ичимликларни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш оқибатида танада саратон келиб чиқишига сабаб бўлувчи ёғ катлами тўпланиб қолади, дея таъкидламоқда тадқиқотчилар. Эндометриянинг маълум қилишича, эстрогеннинг кўпайиши ҳам саратон хавфининг ошишига олиб келади.

### ҲАЛОЛЛИК УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Виждонли, ҳалол ва, айниқса, масъулиятли кишилар бошқаларга қараганда узоқроқ умр кўришаркан. Олимлар йигирманчи аср бошларидаги ишларни ўрганиб, шундай хулосага келишди. Албатта, масъулиятли кишилар тўғри оқватланишади ва соғлиқларига вақтида эътибор бериб, шифокор хузурига ҳам вақтида боришади. Виждонли ва ҳалол бўлиш эса одамга хотиржамлик бағишлайди. Агар биз ҳам ана шуларга амал қилсак, умримиз анча йилга узайиши шубҳасиз.

### МУҲАББАТ НЕЧА ЙИЛ ЯШАЙДИ?

Бутун умр бир кишини севиб яшаш мумкинми, деган саволга россиялик опера кўшиқчиси Тамара Сиявская шундай жавоб беради:

— Одамлар орасида ҳар қандай муҳаббат 3 йил гуркираб, кейин сўнади, деган фикр юради. Аммо мен ўз ҳаётимдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, умр йўлдошим Муслим Магомаевни бир умр севиб яшадим. Ўйлайманки, икки қалбнинг бир-бирини тушуниб яшати, уларнинг севиғи йўллари узун бўлишининг гаровидир. Мен машҳур артист, Муслим эса устозим эди. У ўз устида тинимсиз изланарди, китоблар ўқирди. Оиладан мен ҳечам биринчи бўлишга ҳаракат қилмаганман. Ҳамиша эримнинг кўнглини олиш, уй ишлари билан машғул бўлиш ва пишир-қуйдир қилишни бурчим деб билганман. Муслим мен учун суюқли эр, буюк артист, мусиқа оламида ўз ўрнига эга бўлган шахс, хуллас, ҳаммадан кучли инсон бўлиб келган. Тақдир мени ана шундай инсон билан сийлаганининг ўзи буюк бахт деб ўйлайман ва шунинг учун ҳам, уни бутун умр севиб яшайман.

### БАХТНИНГ НАРХИ...

Мутахассисларнинг аниқлашича, одам ўзини бахтли ҳис қилиши учун айни пайтда топаётган даромадидан икки баравар кўпроқ пул топиши керак бўлар экан. Ҳозирда россияликлар ойига ўртача 35-40 минг рубль ишлаб, 70-80 минг рубль топишни орзу қилишади. Маълум бир касб соҳиблари эса ойига 60-80 минг рублнинг қўлга киритиб, 120-160 минг рубль олишни исташади. Ҳар бир америкалик ўзини бахтли ҳисоблаши учун эса ойига 6 минг доллар (180 минг рубль) етарли экан.

“АиФ” дан ЗАРИНА таржимаси.

каби саволларимнинг биттасига ҳам онам жўялироқ жавоб бермаган. Доим мени қалгитган. Ҳаётда бепарвороқ бўлиб яшашимни ўқирган. Яхши ўқишимни, мактабни тугатгач, катта шаҳарга ўқишга кетишимни, яхши бир касб-корнинг этагини тутиб, ҳаётда ўз ўрнимни топиб кетсам, бу гап-сўзлар ва ташвишлардан қутулишимни таъкидлайверган.

Аммо катта бўлгач, ҳаммасини олиб олдим. Онам туғма ногирон — бир оёғи қалта, бунинг устига, бармоқлари ҳам йўқ эди. У анчагина оксоқланиб юрарди. Дадаси ичкилик оқибатида вафот этганида, ойим мактабни тугатиш арафасида экан. Онаси ҳам хасталаниб ётиб қолгани учун ойим мактабда яхши ўқиган бўлса-да, институтга кирмаган. Онасининг ўрнига мактабда фаррошлик қила бошлаган. Рўзгорнинг юкини елкасига олган.

Бувим саккиз йил дард билан олишади, аммо тузалмайди. Гарчи ўзи ногирон бўлса-да, унинг парвариши билан машғул бўлган ойим бу пайтда қариқиз деган ном олиб бўлган экан.

Кўнгилга буюриб бўлмайди, деганларидек, ойим мактабда фаррошлик қилиб юганида узок шаҳардан ишга келган бир муаллим йигитни ёқтириб қолади. Бу ҳақда бирга ишлайдиган дугонасига айтади. Бу гап ўша муаллимга етиб боради ва у ҳам онамга бепарқ эмаслигини билдиради. Аммо йигитнинг ота-онаси менинг ногирон онамни икки дунёда ҳам келин қилмаслиги аниқ бўлган...

Ойимнинг ҳомиладор бўлиб қолганини билган йигит бир кунда ишдан бўшаб, ўз шаҳрига кетиб қолади. Онам одамлардан қанчалар таъна-маломат эшитса ҳам, мени дунёга келтиришга жазм қилади...

Менинг дунёга келишим билан боғлиқ хотиралар мана шу, холос. Аммо унинг «юки» шунчалар оғирки,

пишинг керак”, дерди сочларимни силаб менга далда бераркан.

Бу меҳрибончиликлар баъзида мени баттар азобларди. Унчалик чиройли бўлмаган, яхши ўқимаган, қўлидан бирор иш келмайдиган қизларга ҳам ҳавасим келаверарди. Чунки уларнинг отаси тайин эди. Ҳеч ким уларга ғайрича нигоҳ билан қарамасди.

Мактабни тугатдим. Билим юридан сўнг тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Қишлоқдан узоқлашганим, бегона шаҳарда яшай бошлаганим учунми, ҳаётга ҳам муносабатим биров ўзгарди. Яхши ўқишга, яхши шифокор бўлишга ҳаракат қилдим. Устозларим менга катта умид билдиришарди. Уларнинг ишончини оқлашга интилардим. Илмий ишларимни муваффақиятли якунладим. Одамлардан раҳмат эшита бошладим. Бу ёқда ёшим ҳам ўттиздан оша бошлади. Лекин айрим ғийбатчилар башорат қилганидек, эшигимизни совчи чертмас, онам бечора бўлса менга сеп йиғишдан чарчамай, кечалариям кўрпа-тўшак қавиб чиқарди. Балки шу баҳонада ўзини овутиб, менга умид бермоқчи бўлгандир...

Институтнинг охири босқичида ўқиётганимда, бир йигит билан танишдим. Аниқроғи, у илмий раҳбаримнинг ёлғизгина ўғли экан. У онасининг ёнига келганида, учрашиб қолдик ва танишдик. Гап-сўзларимиз, феъл-атворимиз бир-биримизга муносиб эди, назаримда. Мен унга кун сайин боғлини боравердим, шунинг баробарида бир кун ришталарнинг жон томири янглиғ узилишига ҳам ўзимни руҳан тайёрладим.

Кутганим бўлди: онаси қишлоққа бориб суриштириб келгач, муносабатларимизга нуқта қўйилди. Бу кунларда менга осон бўлгани йўқ, лекин осмон олис, ер қаттиқ эди.

— Мени тушун, қизим, келиним



## ҚИММАТБАҲО ДАСТХАТ

Мозийнинг турли даврларида яшаб ижод этган буюк ёзувчиларнинг нодир асарлари шу вақтга қадар неча



*William Shakespeare*

бор чоп этилмаган ва бугунги кунда уларнинг компьютерлардаги электрон вариантларидан ҳам миллионлаб китобхонлар баҳраманд бўлмоқда. Бирок, адабий мерос қанчалик кенг миқёсли бўлишига қарамасдан, авлодларга қолдирилган ҳақиқий қўлёзма манбалар унчалик кўп эмас. Машҳур инглиз адиби Уильям Шекспирнинг қўлёзмаларидан қанчаси сақланиб қолган, уларнинг баҳоси нечоғлик, бу ҳақда тўлиқ маълумотларга эга эмасиз. Аммо ёзувчининг "дастхат"лари ҳам қўлёзма ҳисобланади. Бугунги кунда унинг олтита дастхати мавжуд. Дастхатларнинг энг қиммати адабиётнинг шахсий имзоси бўлиб, нархи уч миллион АҚШ долларига баҳоланган.

## ҚУШ УЯСИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ШҶРВА

Моҳир ошпаз танишингиз бўлса ва у сизга: "Ҳоҳдайсанми, қуш инидан ажойиб шўрва пишириб бераман", — деса, табиийки, унга қараб:



"Эсинг жойидами, лойдан ҳам шўрва бўларканми", — дейсиз. Бундай дейишга шошилмаган маъқул.

Хитой ошхоналарида қалдирғоч уясидан тайёрланадиган шўрва сайёрамиздаги энг камёб ва экзотик таом ҳисобланади. Ушбу овқат тайёрланиши бошлангандан буён ўтган 400 йил давомида унинг нархи ҳам тенг баробар қимматлашган. Бу турдаги қалдирғочлар ўз уяларини денгиз увилдирикларидан бунёд этишади. Бундай уялардан тайёрланган тансиқ шўрванинг бир қосаси эса ўн минг долларгача туради.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

## ТҶНҒИЧ ҚИЗГА ҚИЙИН ЭКАН

Оилада тўрт кишимиз: онам, мен ва икки укам. Ўн уч ёшимда отам вафот этган. Онам аёл боши билан бизларни бировдан кам қилмаслик учун жуда кўп ишларди. Бир кун эрталаб онам қорнини чангаллаб йиғлаб қолди. Уни зудлик билан шифохонага олиб бордик. Дўхтирлар: "Қасали жиддий, ётиб даволаниши керак", дейишди. Дори-дармон олиш учун қариндошларникига пул сўраб бордим. Афсус, қуруқ қайтаришди. Ўшанда жуда қаттиқ ўксингандим. Шундан сўнг онам билан овозра бўлиб, анча вақт мактабга боролмай қолдим. Ўқитувчимиз ўрнимдан тургазиб, нега дарс қолдираётганимни сўраганида, ўпкам тўлиб, йиғлаб юбордим. Онам тузалса, ҳеч қачон йиғламайман деб, ўз-ўзимга сўз бердим.

Оилада тўнғич қиз бўлганим учун ёш бўлишимга қарамай, ишга кирдим. Балоғат ёшига етганимда, совчилар кела бошлади. Лекин менинг фикру хаёлим кўпроқ ишлаш, чала ётган иморатларимизни битказиш бўлган. На сарпо-суруғи, на уч-тўрт сўм маблағи бўлмаган оила қандай қилиб тўй қилиши мумкин? Авваллари болалар боғчасида ишлаганман. Маошим рўзгоримизга етмасди. Дадам раҳматли пойтахтда ўзига тўқ бир хонадонда ишлаган. Кейинроқ ўша оиланинг аёли мени фарзандларига энағаликка қақирди. Ҳозир ўша аёлникида ишляпман. Вақти-вақти билан уйга бориб тураман. Қишлоқ шароитида қиз боланинг шаҳарда ишлашини, уйга ҳар-ҳар замонда келиб туришини кўплар нотўғри тушунади. Шу сабаб бўлса керак, уйимизга совчилар келмай қўйди. Онамни, укаларимни ўйлаганим учун одамларнинг гап-сўзлари мени қизиқтирмай қўйган. Фақат бир нар-

са, атрофимда яхши инсонлар борлиги мени қувонтиради. Ушбу мактабни ёзишимга қўшни аёл сабабчи бўлди. Зора, сизнинг ёрдамингиз билан мен ҳам бир оиланинг бекаси, ҳалол-пок бир инсоннинг турмуш ўртоғи бўлсам. **Ёшим 29 да.** 35-40 ёшгача бўлган иймонли, касб-хунари тайин эркак бўлса, оила қурмоқчиман.

**МОҲИРА,**  
Фаргона вилояти.



## Бахтли бўлинг пачтасидан

### ЎРГАНГАН КҶНГИЛ

Оилада тўнғич ўғилман. Мендан кейин икки синглим бор. Бири талаба, иккинчиси мактабда ўқийди. Рўзгорнинг кам-кўстини тўлдиришда отамга ёрдам бериб тураман. Бозорда савдо-сотик билан шуғулланаман. Севара исмли бир қиз билан учрашиб юрардим. Ота-онам кўнглимга қараб унга уйлантиришди. Тўйдан анча-мунча қарз бўлиб чиқди. Қарзлардан қутулиш учун янада кўпроқ ишлаш бош-

### ТАХРИРИЯТЛАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома такдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

**ШАВКАТ,**  
Тошкент шаҳри.

## ЛАВЛАГИ

*Табиат — дорихона*

Олимларнинг таъкидлашича, атеросклероз хасталикларини даволлаш, буйрак фаолиятини яхшилаш ва бошқа касалликларни бартараф этишда лавлагининг ўрни беқийёс. У юрак касалликларига чалинган беморлар ва ҳомиладор аёллар учун ҳам жуда фойдали.

Лавлаги ўзининг умумий таркибида кальций, мағний, калий тузлари, С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, В<sub>6</sub>, РР, витаминлари, каротин, протеин, пигментлар, фосфор ва бошқа моддаларни сақлайди. Бу моддалар организмдаги биохимик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, лавлаги қувватбахш сабзавот ҳисобланади. Унинг шарбати ўпка касалликларига, шарбатига асал қўшиб ичилса, гипертоник хасталикларга қарши самарали воситадир. Бурун битганда лавлаги шарбати томизилса, бемор дарддан фориғ бўлади. Тузлангани эса милк касалланганда яхши фойда беради.

Матони лавлаги шарбатида намлаб, пешона ва чаккага қўйилса, бош оғриғига даво бўлади. Оғриқ ўтиб кетгунча шундай тўтиб туриш лозим. Лавлагининг суви билан бош чайилса, сочдаги кепакни йўқотади. 2 та йиқроқ лавлаги ингичка қилиб сомонча шаклида тўғралади, бир соат давомида ёғоч қошиқ билан аралаштириб турилади. Тайёр бўлган аралашма 3 литрли сирли идишга сузиб солинади. Унга 3 стакан шакар, шунча микдорда асал, 1/3 қой қошиқ қуруқ ачитки (дрожя) ва 1 дона лимон шарбати қўшилади. Яхшилаб аралаштирилган, устидан 3 литр қайнаган сув қўйиб, қопқоғи ёпилади. Шу ҳолда 12 соатча туради. Унинг кўпиги олиб ташланиб, 2-3 та елим идишларга қуйилади ва қопқоғини ёпиб, музлаткичга жойлаштирилади. 10-12 соат ўтгач, қон босимини туширувчи квас тайёр бўлади. Квасни кунига 3 маҳал ярим стакандан 15 кун мобайнида ичиш тавсия этилади.

1 килограмм майда тўғралган қизил лавлагига 2 ош қошиқ шакар, 1,5 литр қайноқ сув ва 2 бўлак буханка нон қўшилади. Ушбу квас хона ҳароратида 7 кун сақланади. Тайёр бўлган шифобахш ичимлик кунига 3-4 маҳал чорак стакандан 3 ҳафта давомида ичилади. Бу ичимлик қон босимини пасайтирибгина қолмай, хужайраларни тозалайди ва бош оғриғини бартараф этади.

**Латофат САБДУЛЛАЕВА** тайёрлади.

## ҶОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Ачиган сутни ташлаб юормай, озгина илтиби, докадан ўтказсангиз, творог ҳосил бўлади. Агар унинг таъми ачимтир бўлса, шакар қўшиб истеъмол қилиш мумкин.

Лимон ва апельсин меваларини дастурхонга тортишдан олдин уларни қайноқ сувга ботириб олсангиз, хушбўй ҳид уфуриб туради.

Майда гулли, ёрқин рангли қўйлак ва футболкалар оқ-сарикдан келган ҳамда бугдойранг ўғил болаларга ярашиб туради.

Думалоқ юзли хонимлар узунчоқ зираклар таққани маъқул. Чўзиқ юзликларга эса аксинча, думалоқ ёки қисқичли зираклар ярашади.

Пиёла тагида қолган чой ва қаҳва доғини сирка ёки тузли сувга ҳўлланган пахта билан артиб, сўнгра тоза сув билан чайиб кетказишингиз мумкин.

Чармдан тайёрланган мебелларни уйдаги иссиқлик манбаларидан 40 см. узоқликда жойлаштириш лозим.

Тилла буюмларни хом тухумнинг оқи билан артиб ялтиратишингиз мумкин.

**Гулноза БОБОЕВА**  
тайёрлади.

## Бахт остонаси

ҲАЁТ ҲАЗИЛНИ  
КЎТАРМАЙДИ

Бўлимимизга бир йилгит ва қизни етаклаган аёл кириб келди ва салом- аликдан сўнг муддасини айтди: "Бу йилгит жияним бўлади. Унинг раъйига қарамай, танишимизнинг қизига унаштириб, тўйни ҳам белгилаб қўйгандик. Бирок... йилгити тушмагур тўйга икки ҳафта қолганида, ўша қизга: "Сенга уйдагиларнинг қистови билан уйланыпман, лекин кўнглим бошқада", дебди. Бу гапни қизнинг ота-онаси эшитгач, фотиҳа бузилди. Яхшиям, бу гап-сўзлар тўйдан аввал бўлди. Тўй ўтганидан кейин улар келишолмаганида, биласизми, қанча харажатга тушардик. Мана, энди жиянимни севган қизига уйлантираёғимиз, бугун ариза беришга келдик...

Аёлнинг гаплари мени ўйга толдирди. Тўйи бўлишига икки ҳафта қолганида нукулай аҳволга тушган қиз ҳақида маҳалла-қўй, қариндош-уруғлар, дугоналари энди қандай ҳаёлларга боришади? Келиннинг сепи, мебеллари харид қилинган, тўй учун таралдуд кўрилган бир пайтда қуёв бўлмишнинг эсига севгани тушиб қолганини қандай баҳолаш мумкин? Наҳотки, ота-она ўглини уйлантириш учун бировнинг эшигига совчиликка боришдан аввал унинг фикри билан қизиқмаган бўлса? Ўғил уйлаб, қиз чиқарганини айтиб мак-



танаётган хола эса яхшиям тўй бўлмади, деб хотиржамликка берилган эётгани тўғрими?

Никоҳдан ўтиш учун бир ой муддат берилишининг ўзи энг аввало, ёшларнинг, шунингдек, ҳар икки тараф

ушун ҳам жиддий синов вазифасини ўтайди. Лекин кейинги пайтларда айрим ота-оналарнинг катта ҳаёт остонасига қадам ташлаётган фарзандлари билан маслаҳатлашмасдан туриб, тўй-томошани бошлаб юбораётгани оқибатида юқоридаги каби муаммолар келиб чиқмоқда.

Бундай маҳал аксариятимиз, ҳа, энди, ёшлар ғўрлик қилибди-да, деймиз бамайлихотир. Ҳаммамизга маълум, бўйи етган йилгит ёки қиз ҳақида тарқалган бир оғиз ноҳус гап ҳам уларнинг кейинги ҳаётини остин-устун қилиб юбориши ҳеч гапмас. Шу боис ҳаётнинг илк бекатида иккилиб турган ёшларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, ўзимизнинг хайрли амалларимиз билан уларга ибрат бўлишимиз керак.

Насиба РАСУЛОВА,  
Пискент ФХДЭ бўлими мудири.

## ОТАЛИК ҲУҚУҚИ

Мен расмий никоҳдан ўтмасдан аввал фарзандли бўлдим. Унинг касл-насабини белгилаш тартиби ота-онанинг аризаси асосида амалга оширилиши мумкинми?

Р. Хусанова.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 61-моддасига асосан боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг ФХДЭ органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади.

Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи билан келишилган ҳолда ўзини боланинг

отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади.

Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати билан ҳомийси бериши мумкин.

Оталикни белгилаш тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек, бола туғил-



ганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар оталикни белгилаш тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомиладорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли.

Оталикни белгилаш рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

Саволга Жиззах вилояти Янгибод тумани ФХДЭ бўлими мудири Гулзода ҲАЙДАРОВА жавоб берди.

Б.АВАЗОВ,  
Сергели тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

## Огоҳлик

ЎЙИНДАН  
ЎТ ЧИҚМАСИН

Кўчада гаплашиб бораётган икки ўспириннинг гапи кулогимга чалинди. "Янги йил байрамга пақилдоқ топмайимизми", дерди улардан бири. "Тўғри-ю, лекин қаердан оламиз, авваллари кўчаданам харид қилса бўларди, энди эса ҳеч кимда йўқ", дея жавоб берди иккинчиси...

Мамлакатимизга пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан тақиқланганини, энг аввало, ўз қолаверса, ўқитувчиларидан



болаларга нима дейиш мумкин? Кўп бора гувоҳи бўлганимиздек, ўспиринларнинг, ҳатто айрим катта ёшдагиларнинг ҳам ана шундай бўлмагур кўнгулхушликлари оқибатида ҳар йили янги йил байрами кечасида турли кўринишдаги ноҳус жароҳатлар олинмоқда. Мўмай пул топишга уринаётган айрим фуқаролар эса қилмишларига яраша жазо олишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги қарорига мувофиқ бозорлар, савдо комплекслари ва корхоналарнинг раҳбарлари ўз худудларида пиротехника воситалари савдоси ва сақланиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун жинойий жавобгарликка тортишгача шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огоҳлантирилиши белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳрининг Сергели туманида мазкур ҳужжатда назарда тутилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти хусусида маҳаллалар, мактаблар, коллеж ва лицейларда ўқувчилар ва ёшлар, уларнинг ота-оналари ўртасида пиротехника воситаларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан туман ҳудудида, бозорлар ва савдо комплексларида уюштирилаётган рейдларда пиротехника воситаларини ноқонуний олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш ҳолатларига барҳам бериб, айбдор шахсларга қонунда белгиланган чоралар кўрилмоқда.

ЎФФ ПРЕЗИДЕНТИ  
ҚАЙТА САЙЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон футбол федерацияси мажлислар залида ташкилотнинг йиллик ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ЎФФ президенти Мираброр Усмонов саккиз йил давомида федерация томонидан бажарилган ишлар борасида ҳисобот берди.

— Мен сиз билан саккиз йил давомида бирга ишладим. Ўтган давр учун ҳаммага миннатдорчилик билдираман. Бажарилган ишлар ва қўлга киритилган ютуқларда барчангизнинг ўрнини бор. Бу бажарилган ишларда давлатимиз ва Президентимизнинг хизматлари катта эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

...Аввало футбол пойдеворини яратишга интилдик. Биз болалар ва катталар футболни учун керакли инфраструктуралар яратдик ва эндиликда натижа талаб қилишга ҳақлимиз. Ўтган давр ичида футбол учун 132 миллиард сўм маблағ сарфланди. 14 та мактаб, 4 та академия, 10 та замонавий стадионни қуриш учун жуда катта куч талаб қилинарди.

Юқорида кўрсатилган маблағ ҳисоботда келтирилганидир. Бажарилган қўшимча ишлар учун қанча харажат қилинганини сўрагудек бўлсангиз, 500 миллион доллар сарфланганини айтишимиз мумкин, — дея таъкидлади М. Усмонов.

Йилгили сўнггида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. ЎФФ президенти учун ўтказилган сайловда Мираброр Усмонов қайта сайланди.

Шунингдек Сардор Раҳматуллаев ҳам вице-президентлик лавозимида қолдирилди. "Терма жамоалар маркази" раҳбари Асқар Толибжонов Ўзбекистон футбол федерациясининг ташқи ишлар бўйича вице-президенти этиб тайинланди.

КАРАТЭЧИЛАРИМИЗ —  
ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Каратэ бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтган катталар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этди.

Осиё қитъасининг 32 давлатидан 500 нафардан зиёд спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада Садриддин Сайматов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, Осиё чемпиони бўлди.

Хотин-қизлар баҳсида Осиё ўйинлари совриндори Барно Мирзаева Ҳиндистон, Иордания, Хитой Тайпейи ва Қозғистон спортчиларини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Яна икки нафар спортчимиз — Бехзод Туйғунов ва Абдулазиз Отабоев қумуш медални қўлга киритди.

Интернет манбалари асосида  
И. ЖУМАНОВ тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўнглига, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуր кўчаси 1-тор қўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир:  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА  
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусаҳҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,  
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1228. Формати А3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 6560. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 234-04-50  
«Оила» бўлими: 233-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

12 45